


БУГУН ТОШКЕНТДА:

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ВЛАДИМИР ИЛЬИН ЛЕНИН ТУФИЛГАН КУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ҚУШМА МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ



**ДОҲИЙ
МЕМОРИАЛИ**

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Владимир Ильич Ленин Марказий музейининг филиали тантанали равишда очилди

Ха, бу бино ҳақиқатан ҳам меъморчиликнинг муъжизасидир. Ўзбекистон пойтахтида бунёд этилган бинолар ичида энг гўзали, энг ҳашаматлиси — Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали биносидир. десак ҳеч қандай му- болога қилмаган бўла- миз. Мармар, гранит ва гандан ўйиб — иш- ланган бу ноёб бино аjoyиб архитекторларимизнинг ўзбек эллада доҳийга ўрнатган жуда катта ёдгорлигидир.

Музей биноси қури- лишида ва уни жиҳоз- лаш ишларида жуда кўпчилик қатнашди. Москва архитекторла- ри, венгер монтажчи- лари, Ўзбекистон пой- тахтидаги қурилиш ва саноат — корхоналари- нинг коллективлари — авиация заводи, элек- тротехника, Тошкент тўқимачилик машина- созлик заводалари, ойна ва мебель фабри- каларининг коллектив- лари актив иштирок этдилар.

Жаҳондаги йигирма икки мамлакатнинг давлат ва жамоат таш- килотлари музейга ҳужжат ва материал- ларни юбордилар.

Шаҳримизнинг ҳар бир кишиси, В. И. Ле- нин музейи филиали қурилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қў- шиш ҳисси билан яшайди. Шаҳримизда истиқомат қилувчи кенса отахонлардан би- рини М. Орпов ўзининг жамғариб юрган уч юз қирқ икки сўмини олиб келиб, му- зейга топшириш ишти- ёқида эканлигини бил- дирди. Унга музей пулларни қабул қилиб олмастлигини айтишди. Шунда отахон «Хо- разм делегациясининг В. И. Ленин ҳузурига ташриф буюриши» деб аталган картинани со- тиб олиб, музейга со- га қилди.

Музей экспозиция- лари икки минг беш юз квадрат метр май- дондаги йигирмата залларга ўрнатилган. Бу ерда икки минг ол- ти юзта Лениннинг ҳужжат ва материал- лари, ҳаёт чоғида яшар этилган тўплами, жуда кўп рақамда фото- графиялар қўйилган.

Музейга қирган ҳар бир киши унинг залла- рини айланиб чиқиб, Владимир Ильич Ле- ниннинг жўшқин ҳаёти ва фаолиятини жуда кўп нарсаларни билиб олади. У доҳий овози- ни, Ленин билан уч- рашиш бахтига музо- сар бўлганларнинг овозини, Н. К. Круп- ная овозини эшитидаи. Шунингдек, у энг қадрили инсон ва доҳий ҳақидаги қисқа мет- ражли кинофильмлар- ни томоша қилади. Бу- нинг учун техника қу- лайликларидан жуда моҳирлик билан фой- даланилган. Бир вақт- нинг ўзида унга зал бўйлаб телевизион кўрсатувлар олиб бо- рилади. Кинопрогра- ма эса бир соатга мўлжаллангандир. Шунингдек, музей- даги экспонатларнинг ҳар томондан яхши кў- риниши учун, улар ҳар томондан ёритилган.

Воледа Ульянов- нинг Симбирскдаги хонасининг нусхаси, Ильичнинг Кремлдаги кабинетининг нусхаси ҳам кишиларда жуда катта қизиқиш уйғота- ди.

Ильичнинг ўзбек ҳаёти билан қадрият- лиги ва яқинлигини ифодалайдиган жуда кўп рақамда асарла- ри яратилган. Рас- сом Н. Наминг «До- ҳий ораузи» деб аталадиган чиройли ланнос киши эътибо- рини тортади. Бу лан- но 1969 йили Бухоро зардулар томонидан тайёрланган эди. Ф. Гришченконинг «В. И. Ленин ва С. Қо- симхўжаев» деган хайкали ҳам таъсирли чиққан.

Музей филиали ўз- мас Ленин гоёларини чин маънода тарғиб қиладиган ҳақиқий университет ва пропе- гандистлик ролини ўй- найди. Музейга йил- га уч юз минг киши- нинг ташриф буюри- ши кўзда тутилган. Шунингдек, бу ерда тўқсон минг марта экскурсия - лекциялар ўтказилади.

Суратда: В. И. Ле- нин музейи филиали- даги заллардан бири- да.

Л. Глауберзон фотоси.

**ТОШКЕНТ
ОҚШОМИ**

17 3-йил чиқиши.
АПРЕЛЬ 1970 й.
ЖУМА
№ 91 (1159)
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Ленин гоёлари абадий

Шарқнинг машаъл шаҳри — Тошкентда доҳийми Владимир Ильич Ленин му- зеини очилиши миллион-мил- лион меҳнаткашларга, шу жумладан илм-фан қилмач- ларига чексиз қувонч бахш этди.

Ўзбек усталари, бинокер- лари ва илм-қунармайдла- ри бу улкан қасрни қардош халқлар ёрдамида, меҳр-му- ҳаббат ва зўр иштиёқ билан бунёд этдилар.

В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент фили- али доҳий гоёларини таран- нуи этувчи, Лениннинг му- заффар революцион фаоли- яти ҳамда гоёларини кенг тарқатувчи азият ва эиёбахш даргоҳ бўлиб қолади.

Нечо-нечо авлодлар Ле- нин тазлимотлари тўғрисида баҳраманл бўлиб, бугун дунёда тинчлик, озоодлик ва бахт-саодат қарор топиши учун курашадилар.

М. ҲОЖИНОВА, академик.



НАФОСАТ МАСКАНИ

Гўзаллик ва нафосат Ленин проспекти ёни, хиббони, кўркам Ле- нишга тетин рух, завқ- шавқ бағишлайди. Тош- кентнинг юрагида бун- энг сулим, энг ором. Ленин номли Қизил бахш боғдир, Бу боғда ҳамшаҳарларимиз ва нинг нафосат маскани, турли томонлардан иел- ган азиз меҳмонлари- миз ҳордиқ чинариб, буюк доҳийимизни эсла- дилар.

Ўзбекистонда хизмат бати рамизидир.

Ленин музейи, Ленин кўрсатган врач.

И. ФОЗИЛОВ, Узекистонда хизмат кўрсатган врач.

МУАЗЗАМ ОБИДА

Серкўеиш республикамиз пойтахти Тошкент шаҳри кейинги икки-уч йил ичида таниб бўлмас даражада ўз- гариб кетди. Бу ерда замонавий, ҳушбичим турар-қой ва маъмурий бинолар қад кўтарди. Хуллас, шаҳримиз- да кўнқа буй чўзган бино- ларни санаб санаюга етол- майсан киши! Лекин — шу

Ленин музейи билан ён- ма-ён бунёд этилаёган Ле- нин хиббони ҳам шаҳримиз- га сулим бир чирой бахш этилмоқда. Музей ва хиббон ҳамшаҳарларимизнинг энг аjoyиб ва фахрли эиерат- гоҳ ва сайлгоҳига айланади.

М. ЮСУПОВ, «Ташсельмаш» заводи- нинг ишчиси, Социали- стик Меҳнат Қаҳрамони.

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Лениннинг ўлмас васиятларини амалга ошириш учун курашингиз! Коммунистик партиянинг ленинча байроғи остида тағин ҳам маҳкамроқ жипслашингиз! Яшасин партия билан халқ- нинг бузилмас буюк бирлиги!

[КПСС Марказий Комитетининг 1 Май Чақириқларидан].

БУГУН ТОШКЕНТДА:

В. И. Ленин номли хиббоннинг қурилиши тугалланди

БАЙРАМ ЛИБОСИДА

Яқинида биз Тош- кент қурувчиларини В. И. Ленин Марказий му- зеини филиалининг қу- рилиши тугалланганли- ги билан табриклагандик. Бугун улар В. И. Лени- номидаги хиббон про- спектининг биринчи на- вбатини давлат комиссия- сига тантанали равишда топширишди.

Бугун Ленин номи- даги хиббон гоёт тан- танавор кўринишда. Хиб- бонларга атқамилган бетон плиталар тозалаб ювилган, мармар эи- налар силқиланган. Қа- ҳархонанинг қувий қўб- балари кўш нурида жипланади. Миллий меъморчилик анъанала- ридан самарали фойда- ланиб қурилган чойхў- ранинг чиройли девор- лари қуёш нури остида янада гўзалроқ кўрина- ди. Тош ховузалардаги тиниқ сувлар шебадада майин чайқалади. Эко- стик мақбаралари бўлган болалар Шаҳарчаси ўзининг кичик хўжайи- ларини кутапти. Май- донларга қизил ва оқ қумлар сочилган...

Хиббондаги ҳамма ин- хир усталар томонидан катта муҳаббат билан қурилди. Бу ердаги умумий қурилиш ишла- рини «Висотстройга» о- ширди. 2-қурилиш бош- қармасининг бетончи- лари ва пайвандчилари бажардилар. Республика халқ рессомлари Еқуб Раулов ва Жалил Ҳаки- мов ганча гуллар ўйиб, миллий ёзувлар ёзди- лар. Насрулло Манно- лов бошлиқ бўёқчилар қаҳархона кубасини ва пештоқини безеди- лар. А. Гимондулис бошчилигидаги қурувчи- лар қаҳархонанинг оқ мармар либосга бурке- дилар. «Отделстрой» трестининг 11-қурилиш бошқармаси қурувчи- лари уч юз сексон квад- рат метр пол этқизди- лар, 140 квадрат метр деворин буюдилар.

Ленин бу ерда «Таш- транспецстройнинг» 68-қурилиш бошқармаси меҳнаткашлари асосий қаҳармон ҳисобланади. Улар хиббон ва про- спектдаги ҳамма обо- долаштириш ишларини бажардилар. Бу юбилей объектлари қурилиши соҳномасига Михаил Зо- тов, Юрий Турлаков, Гаяля Илбосова ва бошқа аъзоларининг номлари зарҳал ҳарф- лар билан ёзилди. Улар бир неча ой мобайни- да узлуксиз меҳнат вақтасида туриб ишлаб- улкан ишларни амалга оширдилар.

В. И. Ленин номидаги хиббон қурилишини ту- гатган Христос Праса- нудис, Андре Артюков бошлиқ бригадалар, «Строймеханизация» трестидаги 851-қурилиш бошқармаси ишчилари, 1- ва 6-бошқарма- лари Титов номида- ги проспект қурили- шида катта қаҳрамон- лик ва фидокорлик кўр- сатдилар.

Хиббонга юзлаб дов- дерхтар ўтқазилди. Бу ишларни амалга оши- ришда Германия Нигмата- лин бошлиқ бригада аъзолари ғайрат қурса- тишди. Улар шаҳримиз- да гўзал оромгоҳ бар- по қилишга муассар бўлганликларидан че- ксиз фахрланадилар.

Юбилей объектлари чинакам халқ қурили- шига айланиб кетди. Бу ерга ҳар куни юзлаб ўқувчилар, жангчилар, хизматчилар, Тошкент шаҳридаги завод ва фабрикаларнинг ишчи- лари келиб қурувчилар- га ёрдам бердилар.

Ленин номидаги хиб- бон меҳнаткашларинг совмили оромгоҳи бў- лишидан ташқари, тинч- лик, дустлик ва қардош- лик шаҳрининг энг диқ- қатга сазовор жойлари- ден бирига айланиб қо- лди.

М. КУЗОВЕНКО.



Республика биринчилигида

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

Шахмат бўйича республика биринчилигининг саккинчи турда тошкентлик спорт мастери Г. Борисенко ва Л. Маслов ўзаро учрашди...

Ташкентлик К. Малиничев билан учрашган наманганлик В. Калашников ўн юришдан сўнг аҳоли умидсиз эканлигини тушунди...

Турнирнинг иккинчи давраси бошланди. Деян кураш янада кескинроқ бўлди...



НАМАНГАНЛИК А. АДАШЕВА ВА С. БОБОХОНОВ УЧРАШУВЛАРИ ТУГАЛЛАМАНДИ

ЯХШИ ФАЗИЛАТЛИ КИШИЛАРИМИЗ

ШОДЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ

Воқеий ҳикоя

Ҳақимнинг دادаси Қадрамон Юнусов Ғалабага айтиб бир қўш қолганда ўқиди. Берлин остидаги коммуналчиларга келишган раънадна пайтда аёл билан рўпара келди...

риб олда. Кичкина Ҳақим эрдик кичкинча нафасини, унинг ўсиб кетган соқоли юзига тегиб эркалатаётганлигини сезди-ю, қичқириб юборди...

«Урушда бир кўзимдан айрилдим. Қадрон қишлоғимга қайтиб, пахтакорлик дуняларини давом эттири бошладим...

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕАТР

НАВОНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 17 АПРЕЛДА

КИНО

17 АПРЕЛДА Совет Иттифоқи элчиси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда)...

18 АПРЕЛДА Совет Иттифоқи элчиси — «СПУТНИК» (тоқ соатларда)...

КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ РЕСПУБЛИКА КОНТОРАСИ



МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИГА, КЛУБЛАР, КИНОТЕАТРЛАР ЭКРАНЛАРИГА



«КРЕМЛЬ КУРАНТЛАРИ» БАДИИИ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА

КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ БЕШИНЧИ СПАРТАКНАДАСИННИНГ ОЧЛИШИ

ОММОВИЯ ГИМНАСТИКА НОМЕРЛАРИ «СССР БИРИНЧИЛИГИ УЧУН»

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР

* ТЕКИНХЎРЛИК, БЕЗОРИЛИК ВА ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ШАҒҚАТ ЙЎҚ! ШАҲРИМИЗГА ДОҒ ТУШИРАЁТГАНЛАР:

Майда безорилик учун қамалганлар: Лапкин А. Х. 1916 йилда туғилган...

ХУШЁРХОНАДА ТУНАГАНЛАР

Воробьев М. В. 1910 йили туғилган. «Узгироккомунга» кўчма институт ходими...

КОММУНАЛЬ КОРХОНАЛАРИНИНГ СЕРВЕЛИ ҚОМБИНАТИ ТУГАТИЛАДИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БОШҚАРМАХАРИ ВА ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ЧИЛДОНБОР РАЙОН ИЖРОЯ КОМИТЕТИ ИЧКИ ИШЛАР БУЛИМИ БОШЛИГИНИНГ УРИБОСАРИ...